

O'ZBEKISTONDA

FANLARARO INNOVATSIYALAR

VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI

2022
20-may

ISSN: 2181-3302

Exact

Natural

Medical

Technical

Economics

Philological


Pedagogical

Social sciences
and humanities





	<i>ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ОБРАЗОВАНИИ</i>	
31	У.Э.Эргашев Х.Ш.Лутфуллаев Г.Орзиева <i>АХБОРОТЛАШГАН МУҲИТДА ЁШЛАРНИНГ АХЛОҚИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МОХИЯТИ</i>	173
32	Mirzaabdullayeva Zumradxon Mahammadjon qizi <i>VERBAL AND NON-VERBAL WAYS OF EXPRESSING GRATITUDE IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES</i>	176
33	Гамбарова Х.Х <i>КЛАССИФИКАЦИЯ И ФУНКЦИИ ТОМОНИМИКИ</i>	181
34	Mo`minova Husniya Ulug`bek qizi <i>CURRENT ROLE OF CEFR IN THE EDUCATION OF UZBEKISTAN</i>	185
35	Мамажонов Алишер Ўрағович Маманазарова Дилобар Бахромжон қизи <i>РЕСПУБЛИКА БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИДА КИЧИК ЮЗА(0.5, 1.0, 1.5 ГЕКТАР)ЛИ СУНЬИЙ ТУПРОҚ ҲОВУЗЛАРИДА СУВНИ АЙЛАНИШ ВА ҚАЙТА АЙЛАНТИРИШ ТИЗИМЛАРИНИ ҲОСИЛ ҚИЛИБ, КАРП ТУРИДАГИ БАЛИҚЛАРНИ ИНТЕНСИВ УСУЛДА ЕТИШТИРИШГА ЎТИШ - ДАВР ТАЛАБИ</i>	190
36	Rakhmonova Maftuna Nabijan qizi Sultanov Kamoliddin Muxiddin o'g'li Beknazarova Saida Safibullayevna <i>SHOPPABLE VIDEO IN E-COMMERCE</i>	200
37	Шарипов Иззатбек Эгамбергенович Абдумунинов Искандер Анварбек ўлы <i>ЛИТОЛОГО-СТРАТИГРАФИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ЮРСКИХ ОТЛОЖЕНИЙ СУДОЧИНСКОГО ПРОГИБА</i>	203
38	Razzoqov Sayidmaxsud Rahmonovich Qalandarov Siroj Uktam o'g'li <i>QOBARIQ KO'PBURCHAK SHAKLDAGI YASSI QOBIQLARNING KONSTRUKTIV YECHIMI, HISOB USULI VA QURILISH TEXNOLOGIYASINI E'TIBORGA OLIB TADQIQ ETISH.</i>	210
39	Mirzaabdullayeva Zumradxon Mahammadjon qizi <i>VERBAL AND NON-VERBAL WAYS OF EXPRESSING GRATITUDE IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES</i>	218
40	Гамбарова Х.Х <i>КЛАССИФИКАЦИЯ И ФУНКЦИИ ТОМОНИМИКИ</i>	223
41	Fayzullayev Dedaxuja Madaliyev Xushnid <i>БОШҚАРИШ ПРИНЦИПЛАРИ АСОСИДА ДИНАМИК БОШҚАРИШ ОБЪЕКТЛАРИНИ СИНТЕЗЛАШНИНГ ДОИМИЙ АЛГОРИТМЛАРИ</i>	227
42	Халимова Сарвиноз Суръат кизи <i>РАЗВИТИЕ ПРИКЛЮЧЕНЧЕСКОГО ТУРИЗМА В МИРЕ</i>	231
43	Xalilova Nilufar <i>QO'QON XONLIGI TARIXIGA DOIR ANTROPONIMLAR</i>	235
44	Isomiddinova Hulkar Umid qizi <i>ABDULLA O'RIPOV SHE'RLARIDA KOMIL INSON XUSUSIYATLARI.</i>	239
45	Nosir Bakhshilloevich Narziev Khushbakov Sherzod	243





АХБОРОТЛАШГАН МУҲИТДА ЁШЛАРНИНГ АХЛОҚИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МОХИЯТИ

У.Э.Эргашев¹, Х.Ш.Лутфуллаев², Г.Орзиева³

¹ЖДПИ, катта ўқитувчи

²ЖДПИ, таълимда ахборот технологиялари йўналиши магистранти

³ЖДПИ, таълимда ахборот технологиялари йўналиши магистранти

Глобаллашув шароитида дунё миқёсида тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ҳар қандай мамлакат хавфсизлиги ва барқорлигини таъминлашда, энг аввало, ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш масалалари борасида жиддий изланишлар талаб қилинади. Бу эса мамлакатда ёшларнинг ватанпарварлик фазилатини тарбиялашда, маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш орқали хавфсизликни таъминлашда истиқболдаги мақсадларга эришувга замин яратади. Хусусан, ахборотлаштириш ва истиқболли ахборот технологиялари ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳамда меҳнат тежамкорлигини оширишни, илмий билимлар ва илғор технологиялар жамиятда жадал тарқалишини, жамият интеллектуаллашуви умумий даражасини оширишни таъминлаши каби ижобий томонлар билан бир қаторда ахборот макони учун кураш ва инсонга ахборот-психологик таъсир кўрсатишнинг авж олиши каби алоҳида хавфни ҳам юзага келтиради. Ахборот узатиш, алмашиниш ва қабул қилиш жараёнида тезкорлик, аниқлик, сифат ва таъсирчанликни таъминлаш, ахборотнинг дунё бўйлаб кенг ёйилиши имкониятини яратишда "бутун жаҳон ўргимчак тўри"нинг аҳамияти катта ва айнан мана шу омил ундан фойдаланиш эҳтиёжини тобора орттирмоқда. Янги юз йилликда Ўзбекистонга ҳам интернет шиддат билан кириб келди ва кундалик ҳаётда ўз ўрнига эга бўлди. Психологларнинг фикрига кўра, аҳолининг фақат 15-20 фоизи ахборотни танқидий нуқтаи назардан ўзлаштиришга қодир, қолган 70 фоиз одамлар эса олинган ахборотнинг таъсирига шундайлигича берилиб кетади. Айни ўринда яна бир фикрни айтиб ўтиш жоиз. "Ойнаи жаҳон" сериаллар билан тўлиб-тошгани, бизнингча, ижобий ҳол эмас. Чунки ёшлар асосий вақтини шу сериалларни кўришга сарфлаши таълим сифатига таъсир қилмай қолмайди. Дарвоқе, газета ва журнал саҳифаларида чоп этилаётган ахборот ҳамда маълумотларнинг мазмунан саёзлиги ҳам ёшларимиз тафаккурига салбий таъсир кўрсатади. Ахборотнинг катта оқими шароитида инсон ўзини эркин ҳис эта олиши учун ахборот маданиятига эга бўлиши керак. Бу ўринда ахборот маданияти дейилганда таълим, илмий билиш ва фаолиятнинг бошқа турлари давомида юзага келадиган ахборотга бўлган эҳтиёжларни қондиришга қаратилган билимлар, ўқув ва кўникмаларнинг тизимлаштирилган йиғиндиси тушунилади.





Ёш авлоднинг маънавий оламини бузғунчи таъсирлардан асраш учун таълим-тарбия жараёнида қандай тамойилларга асосланиш ва қандай жиҳатларга эътибор қаратиш керак, деган масала файласуфлар, гуманитар фан олимларининг диққат марказида турибди. Фикримизча, ёшларнинг тафаккур тарбиясига кўпроқ эътибор қаратиш улар маънавий оламининг дахлсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ёшларнинг ахборот оқимиغا муносабатини шакллантириш ақл-идрок, тафаккур тарбиясининг бир йўналишидир. Ота-оналар, устоз ва мураббийлар таълим-тарбия бериш жараёнида ёшларга фикр ва билим ўртасидаги фарқни тушунтириши, фикрларни ўзаро таққослашга, турларга ажратишга ўргатиши лозим.

Ахборот маданияти инсоннинг ижтимоий табиатига боғлиқ бўлади, унинг ижодий қобилиятлари маҳсули саналади ва кўйидагиларда ўз ифодасини топади: техник қурилмалар (телефон, компьютер, ахборот тармоқлари)дан фойдалана билиш; ўз фаолиятида кўп сонли дастурий маҳсулотлар жамланган компьютер техникасини қўллашга қодир бўлиш; 45 турли манбалар: даврий нашрлар, электрон коммуникациялардан ўзи учун керакли ахборотни олиш, уни тушунарли тарзда тақдим этиш ва ундан самарали тарзда фойдалана олиш; ахборотни таҳлилий қайта ишлаш кўникмаларига эга бўлиш; турли ахборотлар билан ишлаш малакасига эга бўлиш; ўз фаолият соҳасига алоқадор ахборот оқимларига хос хусусиятларни билиш; информацион бағрикенглик ва информацион фаоллик. Бу кўникмалар инсонга атроф-муҳитни самаралироқ ўзлаштириш, касб малакасини ошириш имконини беради, ўз устида ишлаши, турли моддий ва маънавий эҳтиёжини қондириши учун шарт-шароитлар яратади.

Шу сабабдан инсонни, аввало, ёшларни нафақат янги технологияга ўқитиш ва улардан фойдаланиш қобилиятини шакллантириш, айти чоғда ана шундай технологияларни яратиш ва такомиллаштиришда уларнинг кенг иштирокини таъминлаш устувор вазифалардан бўлиб қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ёшлар олдида янада чуқур билим эгаллашни, катта кўламдаги ахборотни тўла ўзлаштиришни ва ундан самарали фойдаланишни долзарб вазифа қилиб қўяди. Хулоса қилиб айтганда, ёш авлоднинг қалби ва онгини асраш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмуни ва асл сабабларини чуқур англаган ҳолда ўз атрофида содир бўлаётган воқеалар ҳодисаларга ўз мустақил фикрини билдира оладиган етук кадр қилиб етказиш долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. <http://ru.wikipedia.org>





2. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати/ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси.- Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2009. 706 б.

3. Ижтимоий фикр.инсон ҳуқуқлари/ Алишер Мўминов. Ахборотлашган жамият ва шахс ахборот маданиятини шакиллантириш муаммолари. 2012 № 3 148.

